


10 25083
0

АСҚАД МУХТОР

ҮЙҚУ ҚОЧГАНДА



<u>25083</u>	<u>1997A-4344</u>
	<u>elliptomorphidae</u>
<u>tag</u>	
	<u>4454 Enzianang...</u>
<u>1997</u>	<u>45 c.</u>
	<u>6-10-07</u>
<u>15</u>	<u>017</u>

1997A-4344

АСҚАД МУХТОР

ҮЙҚУ ҚОЧГАНДА...

(Тундаликлар)

ТОШКЕНТ «МАҢНАВИЯТ», 1997

Ушбу китобчада атоқли адаб, шоир, фалласуф Асқад Мухторнинг сўнгги асари — Тундаликлари жамланган.

Тундаликлар — муаллифнинг тунги кечинмалари, фикр-мулоҳазаларни маҳсули. Улар ягона гоявий-фалсафий йўналишга эга эмас, аммо ёзувчининг бедор қалби, уйғоқ тафаккури, туғёнли кечинмалари — барчаси муштарак мўъжизалар — Одам ва Олам бағридаги сир-синоатлардан дарак беради, китобхонни теран хаёлга толдиради.

Асқад Мухтор — дунё ҳикматларини мўъжизалар тарзида тую оладиган ва шунга монанд ифода қила оладиган қаламкаш эди. Тундаликлар бунинг ёрқин исботидир.

Ушбу асарнинг дунёга келишида катта саъй-ҳаракат кўрсатган ва уни китоб ҳолида чиқаришни тавсия этган «Тафаккур» журнали жамоасига «Маънавият» нашриёти ўз миннадорчилигини билдиради.

25083
10
0
1997 А Узб. Респуб. ДҶ
4344 | 10

М 93

Мухтор, Асқад.

Уйқу қочганда...: (Тундаликлар). — Т.: «Маънавият» нашр., 1997. 32 б.

Уз2

М 4702620204 — 3 18—97
M25(04)—97

© А. Мухтор, «Маънавият», 1997 йил.

Кейинги вақтда — кексалик, хасталик сабаб — жуда камуйқу бўлиб қолдим. Уйқу қочгандা бош-кети йўқ, узук-юлуқ ўй-хаёл қалашиб келавераркан. Шунда тунчироқ остида турган дафтарга баъзи тасодифий фикрларни ёзиб қўядиган бўлдим.

Дафтаримни «Тундалик» деб атадим. Бу «жанр»нинг «кундалик»дан фарқи шуки, унда хронологик тартибдаги воқеалар бўлмайди.

Бу гаплар, бири боғдан, бири тоғдан бўлса ҳам, кимнидир фикри ё саъй-ҳаракатига туртки бўлиши мумкин. Қолаверса, улар муаллифнинг руҳий ҳолатидан дарак, зоро биз ҳаммамиз маънавий оламга ҳамиша қандайдир бир тарзда улуш қўшиб яшаймиз.

Муаллиф

Ортиқча сўздан тилини тиёлмаган одамнинг жилови шайтон қўлида.

Замаҳшарийнинг
«Навобигал-калим» асаридан

БИРИНЧИ ДАФТАР

* Узингникигина эмас, ўзгаларнинг нодонлиги ҳам ёзишга халақит беради.

* Китоб — бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани.

* Уйлайманки, Ҳамлет, Фарҳод, Дон-Кихот, Обломов сингари образлар, инсон хотирасига типик характер эмас, асосан типик муаммо, абадий савол сифатида михланиб қолган.

Чинакам бадиий асар ҳамма вақт жавобсиз саволлар, бордию адид унда бирор муаммо кўтарган бўлса ҳам, бу — амалда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммодир. Агар муаллиф амалда ҳал қилинадиган вазифа қўйса, бу, асосан, очерк ёки мақола бўлади. Ёзувчи эса ташвиқотчи эмас, шоир бўлиши керак.

- * Эшик ёпилгандың жимликтининг этаги қисилди.
 - * Лагаңбардор бошлиқтунинг эриш нуқтасини билади.
 - * Бу танқидчи мисли жарроңдек: аввал жиндең мақтос билан ухлатыб, кейин операция қилади.
 - * Тютчевининг лирик шеърлари — рус поэзиясининг дурдоңалары. Шоңр уларни ёзган жойида ташлаб кетавераркан. Қизи ёки хизматкорлари тоғиб олиб сақлаб құяр экан. Құп шоҳсатрлар шундай сақланиб қолған.
 - * Биз Союзда бир құләмдеми иккى йил қидирдик. Муаллифнинг тазиғи билан нечаларга хайфсан әйлон қилинди, ёзишмаларымыз иккى жылд бүлиб ётибди. Иккى йилдан кейин мұъжиза юз берди: «дурдоңа»лар топилди. Ұқидик. Мана, улардан бири:
- Хуснингни жамоли зор этди,
Хар кечә күзимни хумор этди.
Ишқинг юрагимни тор-мор этди,
Күз ёшимни сувомбор этди.*
- * Езуучи саёс жоїда чүкади.
 - * Талант ҳақида куюниб гапирганларнинг ҳаммаси ҳам талантлы бұлавермайди. Чунки ҳеч ким үзини талантсизман деб үйламайди.
 - * Тошнинг бардоши зүр.
 - * Кичкина бир яхшилик қилиш учун ҳам одам (балки буюк одам) бүлніш керак; катта ёмонлик қилишга кичик одам ҳам қодир.
 - * Кичкина бир ақмоқдан құрқыннан (масалан, у «қиын» тұғмачаны босиб юборыш мүмкін).
 - * Танқидчи ёш адебни қимматбақо фикрларининг олтын ёмбиси билан уриб майиб қилды.
 - * Адабиёт фан-техника инқилоби даврида ҳам инсон билан иш күриши керак. Экзюпери мақтаган самолёттар ҳозир ҳеч нарсага ярамай қолди. Лекин Митти Шаҳзодасы ҳали узоқ яшайды.

* Денгиз, гүё Ерни ҳүшига келтирмөқчидек, ҳадеб қырғоққа сув сепарди...

* Одиссей арвоҳларни ўзи билан суҳбатлашишга күндириш учун уларга ўз қонидан бериб тирпилтиради. Ёзувчи тарихий шахслар ҳақында ёзганида шундай қилиши керак.

* «Муз үчиб қолди!» деди бола сувда эриб кетган муз парчасини күриб.

* «Биз XII—XIV аср Даشتى Кипчок (Олтин Урда) туркий адабиётини негадир яхши ўрганмаймиз. Вахоланки, бу адабиёт (Кутб, Сайфи Саройи, Ҳисом Котиб) соф туркий тил, халқчиллик жиҳатидангина эмас, умуминсоний мундарижаси билан ҳам катта эътиборга лойиқ. Биргина «Жумжума Султон» достонини олинг. Ҳисом Котиб уни Фаридиддин Атторга («Жумжуманома») тақлид қилиб ёзган. Замондоши Дантенинг «Инсон комедияси» билан таққосласангиз, жуда антиқа фикрларга келасиз. (Масалан, дунёни вертикал ҳолда олиб, яъни ҳамма замонларни бир вақтга жамлаб (хронотоп), абадиятда учраштириб тасвирлаш...) Бу икки муаллиф бир-бирини билмай туриб, маънан жуда оҳангдош асар ёзганига ҳайрон бўласиз.

Алишер Навоийдан олдинги туркий тилга қулоқ солиниг:

*Чун ки келдинг дунёя — кетмоқ
керак,
Бор кучинг етганча хайр этмоқ
керак!*
(Ҳисом Котиб)

*Сўнгакка иликдур, эранга билик,
Биликсиз эран ул — сўнгак беилик.*

(Адиб Аҳмад, XII аср)

(Дарвоқе, «Инсон комедияси»нинг мотивлари Ал-Мааррийдан буён давом этиб келади.)

* Товус — пенсиядаги афсона.

* Ёзувчи ёлғонни тўқийди-ю, ҳақиқатни ёзади.

* Шамол шамни ўчиради. Шунга ўхшаб, айрилиқ ҳам шунчаки хушторликни совитиши мумкин, чин мұхаббатни эса ўт олдиради.

* Ҳақиқат — худодир: уни ҳамма билади-ю, ўзини ҳеч ким күрмаган.

* Ўзимизда бўлган туйғуларни яшириш қийинми ёки ўзимизда бўлмаган туйғуларни ифодалашми? Шукур Бурҷон менинг бу саволимга шундай деб жавоб берган эди: иккаласига ҳам артистизм керак.

* Бахт — бойликда, десангиз, ҳамма бахтсиз. Чунки ақллига кўп нарса керак эмас, аҳмоқ эса барибир тўймайди.

* Агар айб фақат бир томондагина бўлса, урушлар узоқ давом этмас эди.

* Ёзув машинкаси ясама тишларини кўрсатиб тиржаяди...

* Реал Александр Македонский — Искандар бор. Афсонавий Искандар Зулқарнайн бор, уни улуглаб пайғамбар даражасига кўтардилар (Хусрав, Жомий, Навоий, Тожиддин Аҳмадий... ўнлаб «Искандарнома»-ларда.) Бу — ўрта асрларга хос нарса. Менимча, Темурии биз бундай қилишимиз керак эмас.

* Шоир бўлиш яхши, шоирлик даъво қилиш ёмон.

* Икки маҳбус қамоқхона панжарасидан ташқарига қараб туаркан, бири ахлат уюмини кўрибди, бири — юлдузларни...

* Даҳолар ўз касблари доирасидан чиқиб кетадилар. Фалончи — шоир, фалончи — олим, аммо Навоий — Навоийдир, Эйнштейн — Эйнштейн.

* Милтиқ ҳар отганда ўзи сесканиб орқага тисарилади.

* Олма нега қизаради? Балки, Одам Атонинг Момо Ҳаво қулоғига шивирлаган гапларини эслаетгандир?...

* Қалам сўзининг соясини чизади.

* Ўзбек халқининг номини Ўзбекхон исми билан боғлашади. «Ўзбекхон» ўзи қаердан келиб чиққан?

Менимча, бу сўзининг (демак, халқ номининг ҳам) тарихи анча узоқ. 721 йилда туркий қабилаларнинг қурултойи бўлган. Шунда Билги хоқон ўз нутқини бундай сўзлар билан бошлайди: «Эй, турк ўғиз беклари!» «Ўғиз» у вақтда «қабила» маъносида ишлатилган. Демак, «Ўғиз беги» — қабила бошлиги деган сўз. Ўғиз беклари замонида элнинг анча имтиёзли бир қатлами бўлган. Ўзбеклар туркийларнинг ана шу қатламига мансуб табақадан келиб чиққан, деган фаразим бор.

* Сонет — шеъриятнинг олифта камзули.

* Асал — уруғликлар, гўшт — қотиллик, сут — бузоқнинг ҳақи... Ё Оллоҳ, гуноҳларимиздан кечармиксан?!

* Тун шафақнинг тасмасини кесди...

* Бойликни бойлик қилган — ўзимиз. Агар унга бунчалик сифинмасак, у бир тийинга арзимас эди.

— Танқидга қалаисиз? — деб сўради мухбир.

— Фақат қоғоз гул ёмғирдан қўрқади, — деб жавоб берди адаб.

— Сизга театр ёқадими, киноми? — деди мухбир.

— Сизга одам ёқадими ё унинг сояси? — деди адаб.

— ...Баъзи одамлар бўладики, ўзидан сояси тузук,— деб ҳазил қилди мухбир ҳам.

Кулдилар.

* Ҳар хил экстрасенсу азайимхонларнинг айби йўқ: улар алдангиси келганларни алдайди.

* Илгари мен абстракт санъатни тушунмас ва ҳазм қилолмас эдим. Инсон самога учиб, космос даври бошлангач, бу санъатга қизиқиб қолдим. Абстракт санъат Космос образининг эстетик ибтидоси бўлсамикин?

* Сизиф афсонасини биласиз, «абадий харсанг»ни ҳам биласиз.

Менинг авлодим ўша харсангни 70 йил давомида «чўққи»да юмалатди.

Ичимда пола бор. Гоҳо шу иолани эшитиб, Максим Горькийнинг гали эсимга тушади. Ундан «Ахволингиз қалай?» деб сўраганларида «Максимально горъко!» деб жавоб берган экан.

* Мих болғадан қочиб қутуламан деб, тахтага кириб кетди.

* Садриддин Мақсадий (Сорбонна дорилфунунини битирган, Истанбул дорилфунунининг профессори) «Ўрта Осиё турк давлатлари», «Қутағду билик», «Турк тарихи», «Форобийнинг ҳуқуқ фалсафаси» деган асарлар ёзган. Топиш керак эди. Қизи ҳаёт экан, Одила (Аида) деган. Йирик дипломат. Анқарада. Шундан сўралса, балки отасининг китобларини топиб берарди. Бир уриниш керак.

Садриддин Мақсадий Русия думасида нутқ сўзлаб, русларнинг Қўқонда йигирмата мусулмон мактабини ёлганини, Тошкентда Мунавварқорини таъқиб қилишганини, Олмаотада, Ўшда, Наманганда мусулмон зиёлилари сиқувга олинганини рўй-рост гапиради. (Бу нутқ «Вакт» газетасида босилган).

Яна топиш керак бўлган нарсалар мана булар:

Ҳусайн Файизхонов (Маржонийнинг шогирди) 1862 йилда татар мактаблари учун дарслик чиқарди. Унда Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкирасидан парча бор.

Абдулаълам Файизхонов (укаси) 1891 йилда Абулғозиҳоннинг «Шажарайи турк» асарини нашр қилдирали. Бу олим ҳам Маржонийнинг қўлида ўқиган, унинг таклифи билан беш йил Ўрта Осиёда яшаб, узбек тилини ўрганган (араб, форс, рус, француз тилларини биларди). «Калила ва Димна» ҳамда «Тўтинома»ни татарчага таржима қилган.

Зоҳир (эҳтимол Зокирдир) Бегиевнинг укаси Мусо Беги 1907 йилда Ал-Мааррийнинг «Лузумият» асарини таржима қилиб бостирган.

Шарқшунос Ризо Фахриддиннинг (1939 йилда вафот этган) Абу Али иби Сино, ибн Баттута, Фузулий хақидағи китобларини топиш керак.

* Туркий «Исканданома» нинг муаллифи Тожиддин Аҳмадий (XIV аср) Амир Темур билан кўришгандан кейин Ибн Синонинг «Тибб қонунлари» асарини турк тилига таржима қилган экан. Бу — Соҳибқирон сиймосига яна бир чизги.

* Рассом қўлида палитра. Гўё учмоқчи-ю, лекин қаноти биттагина.

* Оҳангдорлиги билангина эмас, мазмунан ҳам қоғиядош сўзлар кўп: тош-дош, оҳанг-жаранг, замон-емон...

* Аввалари яшаш учун ёздим, энди ёзиш учун яшамоқдаман.

* Бой бўлиш учун кўп нарсани қурбон қилиш керак: ҳаловат, саломатлик, гоҳо балки виждонни ҳам... Йўқ, меним бунга қурбим келмайди, мен унчалик бадавлат эмасман.

* Биз атеист ҳам эмасмиз, художўй ҳам эмасмиз. Биз шунчаки ялқоммиз: худонинг бор ёки йўқлиги ҳақида астойдил ўйлашга эринамиз.

* Инсон — табнат боласи, боланинг гуноҳидан кечиш мумкин.

* Араб алифбоси тиллардаги талаффуз ўзгачаликларини йўққа чиқаради, дейди А. Боровков. Демак, бу алифбо туркий халқларни бирлаштириб туради. Уларни ажратиб ташлаш учун алифбони ўзгартиришдан ҳам қулай сиёsat бормиди?

* Хотин кишини қимматбаҳо мўйналарга ўрасанг — совимайди.

* Океан орқали телефон алоқаси ўрнатилди, энди одамлар bemalol гаплашади.

Бунга бобо деди:

— Уларнинг нима орқали гаплашишининг аҳамияти йўқ, нима ҳақда гаплашишади — шуни айтинг.

* Баҳорнинг оқ хушбўйи.

* Ҳаёт шундай ажойиб мўъжизаки, ўлим унинг эвазига берилган арзимас бождир.

* Ишламаган тишламайди, дерди амалдор. Ўзи эса ҳамон тишларди. Чунки унинг иши шу.

* Чернобилдан кейин одамзод ўзи қилиб қўйган ишлардан бир чучиб, орқага тисарилди. Орқада эса — спиритуализм (хурофот, миллий сектантлик, экстрасенс, кашпировскийлар...)

Лекин ҳали янги луддитлар (машинаузарлар) чиққанича йўқ, яппиларгина (художўй технократлар) пайдо бўлибди. Бу ғайритабиний гуруҳ хиппилардан келиб чиқмадимикан?

* Одам маст бўлса, бир ухлаб тургач, ҳушига келади, аҳмоқ эса — асло. Бордию одам ҳам аҳмоқ, ҳам маст бўлса-чи?

* Меҳмон яхши-да! Келганида бир хурсанд бўласиз, кетганида — яна.

* Атеизм? Бу нима ўзи? Айниқса, буни фан деб ҳисболовчиларга сира тушунмайман. Бу фақат сунъий ё ёлғон фан бўлиши мумкин. Менимча, худосиз инсон бўлиши маҳол, чунки худо — сирдир. Дунёда сир борки, худо ҳам бор. Сирсиз олам эса абадул-абад бўлмаса керак.

Сир — номаълумлик — ғайб...

Қуръони карим, ғайбга ишонинг, деган чақириқдан бошланади.

Оlam сирли, одам художўй.

* Ҳурматни у бойлик ё сармоя деб билади чоғи, қарзга бергаんだй улашади.

* Меҳнатни роҳатга айлантиришни хаёл қиласар эдик, роҳат меҳнатга айланди.

* Ўргимчак шамолдан нимадир тикяпти...

* Юрек қони билан ёзган одам узун ёзолмайди.

* Мумтоз бадиий образлар кўп қаватли, яъни чу-

Қурроқ ўйлаганингиз сари янги-янги маънолар касб этгувчи бўлади. Рассом Рембрантниң «Гумроҳ ўғилнинг қайтиб келиши» деган асарини биласиз, албатта. Тағин бир эсланг...

Бир қарашда, бу — шахсий тақдир: уйдан қочган бола экан, эсини йигиб олгач, отасининг олдиға қайтиб келибди, ўз уйим — ўлан тұшагим-да, дейсиз.

Яна бир ўйлаб қарасангиз, жами ишон болаларининг қисмати шундай: ёшлигіда күп уринади, адашади, хатолар қилади, тавбасыга таянади, қуйилади, «от айланиб қозигини топади»да, тинчииди.

Яна чукууроқ ўйлаб кўрсангиз, бу — ҳалқлар тақдирига ҳам хос. Мана, биз. Инқилоблар қилдик, қоплар тўқдик, кишилик қонунларини буздик, шарнатга қарши бордик. Пешонамиз тақ этиб деворга теккандага жон тинчлиги — иймон эсимизга тушди. Қуйила бошладик, ўзлигимизни топғандаймиз. Аслимизга (уйнимизга) қайтмоқдамиз...

* Қовоқари — чўғ, тегиб бўлмайди.

* Истеъодсиз шуҳратпараст жуда тубан ва шафкатсиз бўлади.

* Таржимондан аниқлик талаб қилманг. У чизмакаш эмас, рассом!

* Кимнингдир ёзганига оғарин, кимнингдир ёзмагани учун раҳмат.

* Бу дунёнинг чалкашликлари... Петрапка куйлаган гўзал Лаура, неча авлодлар қалбида мухаббат тимсоли бўлиб яшаётган маркиза Лаура қаёқда-ю, жирканч ёвузлик — садизмнинг асосчиси маркиз Сад қаёқда!

Улар эса (зиё ва зулмат) яқин қариндош бўлган.

* Рус ерларини талаб пайхон қилган, бош чаноқларидан тоғлар ясаган... Ё раб! Бу сиймони авлодлар қулоғига қуйилган бундай тухматлардан мосуво қилиш, аслига қайтариш учун тарихимиз саҳифаларига тез-тез кўз солишимиз керак эмасми?!

Мана, шу саҳифалардан бири:

«Амир Темур Қама дарёсини кечиб, Маласда тўхтади... Навкарлари қирғоқдаги овулларга жойлашди-

лар. Кун совуқ, қор қалин, йўллар лой, юриш мушкул эди.

Зай дарёсининг қуи оқими Байрашхон тасарруфида эди. Темур шу хонга мактуб йўллади, яни қорли-қировли кунларни шу ерда ўтказсам, деб.

Байрашхон жавоб қилдик, «Султон Амир Темур, бош устига, биз хизматингизга доим шаймиз. Тангри ризқимизни берса, сиз жанобга жону молимиз қурбон».

Байрашхон дарё ёқасидаги тепаликда бир қаср солдира бошлаган эди. Шу тайёр бўлгач, Амир Темурни таклиф қилди. Ўзининг хос соқчилари қуршовида келган меҳмонни хон асъаса билан кутиб олди.

— Содиқ қулингиз сиз учун ушбу қасрни ишио этдим, кўнгилларинга хуш келса, марҳабо, қабул қилғайлар.

Амирга қаср жуда ёқди. Байрашхонга хазинасидан мўл-кўл совға ва сарпо буюрди. Шу ерда қишилаб қолди. Бухордан келиб қазо қилган уламо Мулла Ҳофиз қабрини знёрат қилди. Минзала водийсининг беги Мустафохон саройида меҳмон бўлди.

Қорлар кетганда йўлга отланди. Байрашхон уни Ийқ дарёси бўйига, Туғошхон мулкигача кузатиб қўйди. Амир Темур Самарқанд сари йўл олди» (Ҳисомиддин Булғорий (XVI аср). «Таворихи Булғор» асаридан.).

* Талант диалектик моҳиятни очади; ўртамиёналик эклектика даражасида қолади.

* «Мен камтарман» деган одамни камтар экан деб ўйламанг.

* Ҳар бир Шахс — мустаснодир.

* У абадий баҳс ва муҳокамаларга сара фикрларни қимматбаҳо тақинчоқлардай тақиб, қўз-кўз қилгани келарди.

* Ёлғон ўзи унча хавфли эмас, унинг ҳақиқатга ўхшаб кетиши хавфли.

* Дара тинч. Бу ерда ҳамма нарса секин-аста: тонг аста ёришади, олам тӯфондан қалқиб чиқаётгандай,

тун зулматидан аста күтарилади. Бу жойларда Ернинг айланнишини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бу ерларга Қоперникнинг ўзи келиб қолса ҳам гапидан воз кечарди, вооллоҳ!

* Ушалмайдиган орзу яхши, унинг айби ҳам йўқ, жавобгарлиги ҳам йўқ, дилингни аллалаб яшайверади. Аммо ушаладиган орзулар кўпинча алам билан тугайди. Сен дохиёна шоир бўлолмасанг, бу — бирнав, ўтаркетар... лекин кўнгил қўйганинг кўшни қиз эрга чиқиб кетса, бир умр куссан.

* Бизни танқидчилар қўрқанимиз учун эмас, кўпинча дадиллигимиз учун уришди.

* Яхши ният — пештоқ эмас.

* Б. иш қатъиятли, принципиал одам, дер эдилар. Аслида, у бир нарса ҳақида икки марта ўйлаш қобилиятидан маҳрум эди, холос.

* Табнат — яхшилик ва гўзалликнинг бевосита ифодаси.

* Бир қолипдаги (типовий) иморатлар, бир қолипдаги шаҳарлар худди шундай бир қолипдаги одамлар ва бир қолипдаги фикрловчиларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради.

* Дехқон меҳнати — ҳаётнинг илоҳий ақидаси.

* Унинг шоир бўлиши учун фақат бирорта камчилик етишмасди.

* Одамлар сени билмаса ҳам, сен одамларни бил.

* Фақат классика мунозарасиз қабул қилинади. Биз эса классик эмасмиз. Бизнинг асарларимиз қаршиликка учраши, баҳс қўзғалиши керак.

* Францияда, Виши шаҳри яқинида Лапалисс деган жанобнинг қабри бор. У ҳаётлигига ҳаммага маълум ҳақиқатларни гапириб одамларни безор қилиш билан

машхур бўлган экан. Қабр тошига шундай деб ёзибдилар: «Вафотидан бир дақиқа олдин тирик эди».

Баъзи бировларга шундай эпитафия таклиф қила-ман: «Вафотидан анча олдин ўлган эди».

* Бир эсипаст гавҳарни деңгизга улоқтиради, кейин уни мингта доно излаб топа олмайди.

* Қадимда бир донишманд айтган экан: «Мен вақтнинг нима эканини биламан. Аммо «Вақт нима?» деб сўрасалар, айттолмайман».

Назаримда, шеърият ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин. У бениҳоя, у битмас-туғанмас. У ўзи рад этгани одамнина уни рад этади.

* У ўз сўзига ўзи хўжайин: бугун беради, эртасига қайтиб олади.

* Аҳмоқ аҳмоқлигини билмай ўлиб кетади, чунки буни ҳеч ким унинг юзига айтмайди.

* Курумсоқ тежамкорга исрофгардан бегонароқдир.

* Эрталаб туриб нималарни кўраман? Ана, кўзгу, — ёруғлик ва кристалларнинг сирли ўйини... Қаердадир тутун ўйғониб, кўли билан шамол келган томонни кўрсатяпти...

Дунё катта, мўъжизаларга чулғанган: чинорларнинг мардлиги, гулларнинг архитектураси... Ўсимликларда ижодкор шарбат ёғду босқичларидан кўтарилади, ерга яшиллик пуркайди.

— Ҳой тапобчи ариқлар! Тоққа неча чақирим қолди? Улар нима қиляпти?

— Осмон тубида қорамтири биқинларини ювяпти!

* Шоир учун асосий иш — кўнгил кўзи билан кўриш; қофозга тушириш эса — касб.

* Вақт инсон ҳукмида эмас. У — Оллоҳнинг мулки. Шунинг учун судхўрлик (қарз бериб, фоизи эвазига кун кўриш) ҳаромдир. Зоро, судхўр вақтни (ўзига тегишли бўлмаган нарсани) сотади.

* Баъзи ёшлар, биз Тўфоннинг эртасига пайдо бўл-

ганимиз, деб ўйлашади чамамда. Ваҳоланки, ҳамма ота-онадан туғилади.

* Асл ҳурмат беғараздир. Акс ҳолда, амалдорлар бизни нега ҳурмат қиласидилар...

* Ёлғончининг ёлғончилиги — унинг энг енгил гуноҳидир.

* Мўъжизакор келиб, «Мана бу — ҳақиқат, мана бу — уни излаш имконияти, қайсиисини оласан?» деса, мен кейингисини олардим. Тайёр ҳақиқат ташаббусни ұлдиради, умуман, ҳаётнинг маъносини йўқотади. («Тўғри йўлни партия кўрсатади, уни излаш сенинг ишинг эмас», дейиларди. Уша вақтлар «Излаш баҳти» шеърим «қайтган». Кейинги йилларда бостирдим.)

* Худо инсонни бир умр баҳт излаш азоби билан жазолаган.

* Унинг «кўтарилиши» ҳам, «ийқилиши» ҳам ақллик балоси эди.

* Бизнинг авлодда замонадан қочгаилар қутулди.

* Овидий «ёлғизлик баҳти»ни мақтаган. Буюк шоир кечирсан, мен учун ёлғизликда кўрган ҳузур-ҳаловатнинг алами оғир.

* Киши ҳаёти — эркинликнинг синовларидан иборат, одам ҳақиқатни эркин синовлардан ўтиб топади. Менинг эрким — менинг шахсимнинг ички ижодий кучи: мен рўпарамда пайдо бўлган тайёр яхшилик ё ёмонлик йўлини танламайман. Яхшилик ё ёмонликни мен ўзим яратаман, бу — менинг эрким. Акс ҳолда шахс камолоти йўқ. Ҳақиқат — менинг мashaққатли маънавий ютуғим: у эрким синовларида қўлга киритилади. Менга бирор томонидан тақиширилган тайёр ҳақиқат эмас.

* Улимдан бир умр қўрқамиз, у эса бир келади. Қайси бири ёмон?

* Баъзилар ҳақида яхши гапирсанг, лаганбардор бўласан, ёмон гапириш — хавфли.

- * Қарилкдан құрқма, унга ҳали етиш керак.
 - * Шундай йилларни күрдикки, баҳтли бўлиш уят эди.
 - * Унинг ҳаёти энди кузги япроқлар билан безалган эди.
 - * Агар биз тарихимиз қанчалик улуғ, маънавий меросимиз қанчалик бой, қадриятларимиз нақадар чексиз эканини яхши билганимизда эди... Флобернинг «Ҳақиқат лексикони» да бир гап бор: «Агар от ўзида қанча куч борлигини билганида, тушовлаб қўйишларига эрк бермас эди».
- Энди юган солиб етаклаб кета олмас, лекин барибир ўтмишини астойдил ўрганиш, билиш керак.
- * Уни ҳамма талантли ёзувчи деб ҳисоблар эди. Лекин бу тасаввурни ўзи бузиб қўйди: ўзи ҳам шундай деб ҳисоблар экан.
 - * Худо, ҳақиқат, шеърият, баҳт, муҳаббат, вақт, нариги дунё... бордию буларнинг нима эканини билсак, ҳаётимиз қандай бўларди? Билмайман. Фақат шуни биламанки, дин, адабиёт, орзу-хаёл бутунлай бўлмасди...
 - * Ёшлиқ қайтиб келмайди. Лекин гүё ёшлиқ қайтиб келгандагидек мўъжизавий бир ҳиссиётни кўп бор бошимдан кечирганман. Бундай ҳиссиёт кўнгилда ва хаёlda янги роман ёки қисса туфила бошлаган чоғларда вужудимни қамрар эди.
- Аммо китобни ёзиб тугатгунча яна қарийсиз. Ва уни илон пўст ташлагандай ташлаб, орқада қолдириб, янгисига интиласиз. Бу пойга, бу янгиланиш, ёшлиқ кетидан қувишга ўхшаган бу изланиш бениҳоядир. Бу шжодий қанотланиш аслида ҳақиқий борлиқни излаш бўлса керак.
- * Физикада оқибат сабабга teng. Ахлоқда ҳам шундай.
 - * Истеъдод нималигини, таркибий қисмларини билмайман-у, тасаввур салоҳияти унинг жуда мұхим жиҳати эканига аминман. Биз қаҳрамонларимизни улар-

нинг ҳаракат ва вазиятларини аввал тасаввур этамиз, кейин тасвиirlаймиз. Жюль Верн ўзи кўрмаган шаҳарларни, масофаларни, ўлкаларни тасвиirlаган, унинг бу тасвиirlари ҳақиқатга яқин; Жонатан Свифт Марсинг йўлдошларини улар кашф қилинишидан 150 йил олдин тасвиirlаган, Беруний Америка қитъасининг борлигини Колумбдан 450 йил аввал тахминлаган. Тасаввур салоҳияти адаб истеъдодини фан билан яқинлаштиради.

* «Вақт ўтятти!» деймиз сал ҳазинлик билан. Бу гапни инсон ўзини овутниш учун ўйлаб топган. Аслида биз ўзимиз ўтятпмиз...

ИККИНЧИ ДАФТАР

Бизнинг даҳшатли цивилизациямиздан ташқари ҳамма замонларда шоир ва шеърий сўзнинг нечукдир ғайритабний бир илоҳий куч билан боғлиқлигини тан олганлар. Мен шоирни пайғамбар деб атаган Пушкиннига кўзда туваётганим йўқ. Шоирнинг қалб бойлиги реал ҳаётий вазиятлардан устунлигини Гегель ҳам айтади. Шеллингнинг ёзишича, шеърий сўз туғдирган идеал дунёнинг бизга объектив дунё бўлиб кўриниши инсоннинг Илоҳ ҳақидаги абадий тушунчаси билан боғлиқ. Файласуф Новалис айтадики, «Шоир ва авлиё азалдан бир бўлган, лекин чинакам шоир ҳали ҳам авлиё ва чинакам авлиё ҳали ҳам шоирdir». Навоийнинг шеърий сўз ҳақидаги сатрларига қулоқ солинг:

*Чун бу насим эсди азал тогидин,
Мунча гул очилди жаҳон богидин.*

Бошқа ўринда у шоирнинг «кўнгил Каъбаси»ни оламнинг қибласига ўхшатади ва илтижо қиласи: «Ёраб, ани (сўзни) халқ дилафрўзи эт!»

Шоир салоҳиятини илоҳий кучга боғлаш тарих қаърига кирган сарингиз баландроқ янграйди. Юони асотирларида Қвасир деган илоҳий жонзод тилга олинади. Шундай доно эканки, дунёда у жавоб беролмайдиган бирорта савол йўқ экан. Шоирлар шоир бўлиш учун шу донишманд жонзоднинг қонидан қўшиб асал ялар эканлар...

Хуллас, бу масала энг муқаддас китоблардаги «Аввал калом, у — Илоҳдандур!» деган ҳикматга бориб

тақалади. Оллоқ Одам Атога: «Ҳамма нарсанн үз номлари билан айтгил!» деб буюрган. Номлар, яъни сўзлар эса танзиҳ ва ташбеҳлардан — шеъриятидан иборат. Ўлжас Сулаймоновнинг айтишича, оқил ва ҳалол оламлар (жумладан, шоир ва олимлар) қадим туркларда бир сўз билан — «чалаби» деб, яъни «тангрисимон» деб аталганлар. Ҳомердан олдинги минг йиллардан — азалдан эсган бу насим. Ахир, ҳатто Ўрхун битиклари бармоқ вазнида ёзилган! Қуръони каримнинг шеърий сўз билан нозил бўлгани эса бу ақиданинг яна бир исботидир.

Наполеон, Ҳитлер, Кеннеди каби кўп зотларнинг қиладиган ишлари ва тақдирларини уч юз-беш юз йил сёдиин айтиб берган авлиё Ноstrandamus ҳам башоратларини катрен деган шеърий услубда инфодалаган.

«Ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик» деган «учлик»ни Рабиидранат Тагор Кантдан олган, дейдилар. Бу — хато. Бу «учлик» асли қадимий ҳинд адабиётига хосдир. Шеърий сўз ва умуман, саңъатдан завқ олиш илоҳий ҳис экани, инсондаги тасаввур сеҳри азалий муқаддас ходиса экани Санскрит эстетикасининг асоси бўлган. Шива — рақс рамзи, Кришна — назму наво тангриси; табнат — эзгулик; Ганг — фалакдан оқиб тушади; ҳамдуна — хонумон; тангри Вишну ва Рама — содиқ донишманд; сигир — муқаддас... Буюк эпосларнинг табнат ва худоларга бундай боғлиқлиги бадний сўзнинг илоҳий эканига шончдан эмасмиди? Наҳотки, бу азалий ишончда жон бўлмаса?! Наҳотки, бунинг ҳаммаси эскириб қолди?..

* Таржима, айниқса, шеъриятда шартли нарса. Чунки шеърнинг ўзини ўгириш мумкин-у, миллӣ жанрни, шеърни қабул қилиш тарзини, анъаналарини, шеърга қарашни... яна кўп нарсаларни таржима қилиш, ҳатто тушунтириш ҳам амримаҳол. Масалаң, Японияда, Малайзияда «танка», «пантун», «хайку» билан классик бўлганлар бор. Бизда бу турларнинг ҳамма талабларини (ўттиз бир ҳижо, тоқ сатр, яширин қофия ва бошқаларни) бажариб, эътибор қозониб кўринг-чи! Гап шаклдагина эмас, миллатнинг руҳий ўзига хосликлари, дунёқараши, зехнияти, нафис ва оний таассурот, мунг, ҳасрат, соғинч, сал киноя... яна айтаверсак, шеъриятга сингиган, лекин таржима қилиб бўлмайдиган талай жиҳатларда ҳамдир.

Хайкунавис ҳеч қачон сиёсат ё ижтимоний соҳага қалам урмайди, у — табнат ва инсонни кузатувчи, шу тарзда руҳга таъсир этувчи донишманд. Унинг ўқувчиши оддий майса баргига ё шабнам томчисига маҳлий бўла биладиган одам...

* Умар Хайём майни қўйлаган. Аммо буни Абу Нувоининг хамриятлари, Манучехрнинг мусамматлари ва кўп соили соқийномалар билан аралаштираслик керак. Хурсандчилик майхўрлиги бошқа, аламзадалик майхўрлиги бошқа. Хайём кайфи бениҳоя аламли ва фожейи кайф: инсон ўлимга маҳкум, у бир лаҳза бўлса ҳам лаззат излашин керак. Чинакам шодлик лаҳзаларни гулдек узиб эмас, Данте айтган абадий сўлмас гулзорга кўз тикиб яшайди. Абадий сўлмас гулзор эса — умид. Хайемда инсоннинг худодан бўлак умиди йўқ.

Хайём рубойилари — фоний банданинг жавобсиз фарёдларидир.

* Суқротнинг «Республика»си, Форобийнинг «Мадинатул-фозила»си, Томас Моорнинг «Утопия»си, Кампанелланинг «Қуёш шаҳри», «Беконнинг «Янги Атлантида»си, Кабекнинг «Икарияга саёҳати»... Дунёда шундай ўнлаб асарлар бор. Булар — ижтимоий утопиялардир. Диний-ахлоқий, фаний-техникавий ва севги-муҳаббат утопияларини айтмайсизми! Булар — инсон орзу-хаёлининг эзгу парвозлари. Бизнинг «утопия» — «хаёлпарастлик» деган атамаларимиз уларни ерга уради. Аслида, булар одамзоднинг идеал излашидир. Идеал эса ҳар қандай тараққиётнинг гарови.

* Донжуанлар, фаустлар, мажнунлар, прометейлар, искандарлар, жюльетталар кўп бўлган. Лекин уларни фақат Байрон ва Пушкин, Ҳёте ва Ҳейне, Навоий ва Низомий, Эсхил ва Шекспир номлари билан боғлаймиз. Бошқа муаллифларда булар ҳаётда ёки тарихда бўлган нарса каби қабул қилинади. Фақат даҳолар қўлига тушгандагина «факт» муаммога айланади. Биз энди буни классика деб атаемиз.

* «Гулистон»да ишлар эдим. Маҳмуд Саъдий деган ходимимиз бозорда китоб айирбошлиётган экан, милиция ушлаб олиб кетибди. У жуда билимдон, китобхур;

биз уни Шайх деб атар эдик... Менинг илтимосим билан милиционер идорага келди, ёшгина лейтенант экан.

Гапни узоқдан бошламоқчи бўлдим:

— Ибн Сино Бухоронинг китоб растасида Форобийнинг Арастуга шарҳларини топиб олганда хурсандчилигидан бир зумга хушини йўқотган экан...

— Форобий деган шонрни эшитганман, у ҳам сизда ишлайдими?

— Иўқ, биэда фақат Шайх Саъдий ишлайди.

Ҳазил-мутойиба ўтмади. Аниқ гап қилдим.

— Бу йнгит уйланганида келинни кухняга тушириб келган. Чунки уч хонали уйнинг ҳамма хоналари лиқ китоб бўлган. У шунаقا китоб жинниси.

— Жиннилигига справкаси борми?

* «Нур алан-нур» деган яхши ибора бор. Уни кўпинча «Нур устига аъло нур» деб нодонларча бузиб ишлатадилар.

«Устувор» — мустаҳкам, пойдор, давомли деган сўз. Биз уни устунлик, яъни «приоритет» маъносида ишлатамиз: «устувор йўналишлар», «қонун устуворлиги»... «Устун йўналишлар», «қонун устунлиги» деб, оддийгина ўзбекча ва тўғри гапиришга нима етсин!

«Кўча одамлар билан гавжум», дейдилар. Ваҳоланки, «одамлар билан гавжум», «қўйлар билан гавжум» деб бўлмайди. Чунки «гавжум»нинг ўзи «одам кўп» дегани.

«Фаолият кўрсатиши амалга ошириллар», «шарофати натижасида», «рақобат кураши», «устидан кулди»... Бундай «нодир» кашфиётларни санайверсангиз, сон мингта. Ёшларнинг, айниқса, муҳбирларнинг тилдаги пала-партишилкларидан ҳар гал раҷжийман. Ахир, тилимиз — шаклланган буюк тарихий тил. Ҳеч бўлмаса, унинг оқ сочли бобо ёшини ҳурмат қилиш керак. У юз йил эмас, беш юз ёки минг йил эмас, ўн беш, ҳатто йигирма асрлик тарихга эга.

Ўн олти аср олдин тошга ўйиб ёзилган Ўрхун битикларини ўқинг. «Отим Элтуғон Тутук. Бан тангри элимга элчи эртим. Олти боғ будунга бег эртим... Тангридаги кунга, ердаги элимга бўкмадим, айрилдим...»

Қандай содда, тиниқ жумлалар! Фақат ҳозирги тилда бир-иккитагина кичик изоҳга муҳтож: «тангри эл» — давлат, империя; «будун» — халқ; «бўкмадим» — тўймадим.

* Тарихдан маълумки, шиъа ва суннийлар ўртасида кўп низолар, ҳатто қонли тұқнашувлар ҳам юз берган. Аммо, менинг кузатишмача, маърифатли темурийлар даврида бундай мазҳабий ихтилофларда муросаи мадора ва ҳатто бетарафлик майли устун бўлган. Бунга далиллар сероб.

Чунончи, Мағриб юриши пайтида Амир Темур тасаввуфда «Қосими Анвар» номини олган машҳур шиъа алломаси Шайх Сайид Муъиниддин Алини қабул қилади. Хурсонда катта нуфузли бу зоти шарифнинг суҳбати Амир Темурга шу қадар ёқиб қоладики, унинг илтимоси билан Соҳибқирон Кичик Осиёда олинган минглаб асирларини уй-уйларига қайтариб юборади.

Сўнг Қосими Анвар Шоҳруҳ билан низода айбланиб, Самарқандга келиб қолади ва суннийларнинг ашаддий муҳолифи бўлишига қарамай, Мирзо Улуғбекнинг илмий даврасида катта обрў қозонади.

Охирги темурийлардан Султон Ҳусайн ҳам, бошқа ободончиликлар қатори, Хўжаҳайрондаги «И мом Али мақбараси»ни муҳташам Мозори Шарифга айлантирган...

Бунда гап Темурнинг она томонидан гўё ҳазрат Алига бориб тақалишида эмас, албатта. Бу гап деярли афсона. Мазҳабий ихтилофлардаги муросаи мадорани темурийзодаларнинг маърифий-маданий ва инсонийлик даражаси билан изоҳлаш керак.

* Ажабки, етти-саккиз йилдан бери бирорта ҳам асар ўзбекчадан русчага таржима қилинмабди. Бу соҳанинг билгичлари умуман йўқолиб кетди. Алам қиладиган жиҳати шундаки, мен ўн йиллаб Москвада ҳам, Тошкентда ҳам шу ишнинг мутасаддиларидан бири бўлганман. Ўзбек асарларини рус тилига таржима қилишга бағишлиланган анжуманларда мутахассислар, ёзувлар қатнашар эди.

«Шуролар тарқаб кетди...» дерсиз. Гап унда эмас, ўзбек асарларини рус тилига ўгириш улуғ Пётр давридаёқ бошланган. Пётр топшириғи билан Тоболга келган офицер шу ерлик битта мулла ёрдамида Абдулғозихоннинг «Шажарайи турк» асарини таржима қилади. 1730 йилда эса Т. Кер шу асарни туркийдан тўлиқ русчага ўгирди. Умуман, «Шажарайи турк» энг кўп таржима қилинган асарлардан. Ўша давлардаёқ уни машҳур шоир В. Тредиаковский, кейин Н. Чернишевскийлар

дүсти Г. Саблуков (у Чернишевский арабий, форсий ва туркйдан таълим берган), А. Туманский ва яна күплар таржима қилған. Таржимонларга Иброҳим Халфа, Али Козимбек сингари туркйзабон олимлар күмак берганлар. «Қутадғу билик» (В. Радлов), Яссавийнинг «Хикматлар»и, Машраб ғазаллари (Н. Микошин), «Бобурнома» (Н. Пантусов), Махтумқули шеърлари ва бошқалар рус тилига XIX асрда ёқ қисман таржима қилинганды. Ундан кейинги даврларда бу ишнинг нақадар кенг ривожланиб кетганини яхши биласиз.

Маданиятнинг шундай анъанавий ва миқёсли бир соҳаси йўқолиб кетса-я! Мен буни тушунишдан ожизман...

* Мумтоз лирикада маҳбубанинг тасвири албатта қошу кўз, яноғу дудоқ, холу зулфдан бошланади. Нима учун шундай?

Маълумки, тасаввуфда бандан солиҳнинг йўли шарнат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларидан иборат. Маҳбубанинг жамоли — ваҳдатул-вужуд йўлидаги орзу. Аммо, тасаввуф мураккаб. Унинг дунёвийликка мойил сулуклари (Фиждуоний, Нақшбандий тариқатлари) ҳам кўп. Реал маҳбуба бўлмаса, унинг илоҳий рамзи қаёқдан келиб чиқарди? Шонр ботиний назар билан дунёвий маҳбубанинг қалбига, сир-синоатига, ҳис-туйғуларига интилади. Бу (илмул-яқин) эса, аввало, юзни очиш (мукошафа), кейин кўзни кўриш (муъайяна) ва сўнгра ақл кўзи билан ғайбни, яъни сирли ҳисларни туюш (мушоҳада) босқичларидан иборат. Нажмиддин Кубро инсоний муҳаббатнинг бу илми ни «басира» деб айтади. Ваҳдатул-вужуд сингари бу орзу ҳам ушалавермайди, албатта. «Қўр» шоирларнинг кўплиги (Ҳомер, Рудакий, Ал-Мааррий, Шамсиддин Закий...) балки шундандир? Афсоналар эса уларни чинакам «сўқир»га чиқарган бўлиши ҳам мумкин..

* Утган рус ҳамда Фарб адабиёти ва санъатида ҳамма асарлар бир турда анъанавий инсоний эди: Пушкин, Тургенев, Бальзак, Флобер, Бах, Чайковский, Достоевский, Толстой, Рембрант, Репин, Жек Лондон, Гончаров, Марк Твен, Чехов...

Эндиликда ўша буюк асосий Санъат парча-парча бўлиб бўлиниб кетди: авангардизм, футуризм, симво-

лизм, декадентлик, модернизм, сюрреализм, акмеизм, имажинизм, иррационализм, абсурдизм, ультраизм, фрейдизм, кубизм, экзистенциализм, экспрессионизм, абстракционизм...

Қўйинг-чи, ҳамма «изм»лар бор, фақат гуманизм ғолиб чиқса бас... Шундай бораверса, у бутунлай тугаб кетса эҳтимол...

* Рассомми, мусаввири?

Қуръони каримда Оллоҳнинг номлари бирма-бир саналиб «...ал-Холиқу ал-Мусаввиру» дейилади. Демак, у инсонни тупроқдан яратувчигина эмас, руҳият ва ҳислар билан безаб, тасвир қилувчи ҳамдир. Ҳаким Саноий у ҳақда бундай ёзади:

*«...з-онки гил мазлумаст ва дил равшан,
Гили ту гулханаст ва дил гулишан».*

Яъни: тупроқ — зулмат, дил эса равшан; тупроғниң үт-олов, дил эса — гулшан.

Бу жиҳатдан, расм солиб, шакл берувчи рассомдан кўра, дил ойнасига расм солиб, руҳият ва туйгулар билан равшан этувчи мусаввир атамасини қўллаш, чаммада, маъқулроқ.

* Вақт ўтиши билан бирор ақллироқ бўлади, бирор — каттароқ.

* Шеърни таҳлил қила бошласалар, ғашимга тегади. Баҳорги соф ҳавонинг кимёвий таркибини ҳам текшириш мумкин. Аммо, ундан кўра, шундай кўкрак тўлатиб нафас олган яхшироқ эмасми?

* Бизда ҳозир бор-будимизни рад қилиш авж олган. Ваҳоланки, тап-тақир ерда ҳеч вақо пайдо бўлмайди. Эски мафкуранинг таъсири бор деб, ҳамма нарсани инкор қилишнинг ўзи ҳам бир мафкура эмасми? Биз бадииятнинг барча намуналарини ардоқлашимиз керак.

Бадииятдагина эмас, илмда, фалсафада ва динда ҳам энг буюк ва табаррук сиймолар шундай қилганлар. Ҳатто ғайридинлар ибратли меросни тан олганлар. Яҳудийлар ўз динларига Миср маъжусийларининг барча қадриятларини қабул қилганлар. Форобий, Беруний

каби алломаларимиз бош эгиб ҳурмат қилган ўнлаб афлотунлар мусулмон эмас эди-ку?!

* Мұғжиза — сир — билим — ҳақиқат. Булар шу тартибда бир-бирини инкор қиласы да жаңа тартибда яшаёттайды.

* Биз Шарқ адабиётининг Ғарбга, айникса, мұмтоз шеъриятта таъсири ҳақида қандайдыр тор, пароканда бир тарзда фикр юритамиз. Тұғри, күп номлар, асарлар, қиёслашлар («Лайли ва Мажнун» — «Ромео ва Жүльєтта») бизга маълум: Гюгонинг «Шарқ тароналари», Ҳётенинг «Шарқ девони», Байроннинг шарқона достонлари, Адам Мицкевичнинг «Қишим сонетлари», Пушкиннинг «Қуръондан иқтибос», «Боғчасарой фавораси» асарлари, Сергей Есениннинг «Форс тароналари» түркүми, Михаил Лермонтовнинг Қавказ достонлари; Ҳофиз, Саъдий, Фирдавсий, Жомий, Навоий ва бошқа улуғ зотларга күплөб бағишловлар, тақлиидлар... Санаб битиргисиз. Лекин, таъсири нега бу қадар бепоён? Шарқ даҳосининг сеҳри нимада эканини англаш учун ушбу ҳодисани кенг миқёсда, адабий оқим ва усулларининг ҳаракат жараённан тадқиқ этиш керак.

Шарқ шеърияті — муҳаббат ва меҳр тұла, гүзәл ва ҳассос, юксак бадий рамз ва ташбеұларга бой, әркин, инсоний, теран фалсафий, анъанавий романтик шеърият. Қадимдан шундай. У асрлар давомида Ғарб адабиётининг романтик руҳини бир неча бор қутқарыб қолди. Ғарбда аввал эллинизм таъсиридаги романтика жонланды. Лекин, бу юксак ва бақувват естетик оқимни дастлаб хоч (салыб) юришлари, қилич-қалқонли рицарлар, инквизиция гулханлари, қонли қирғинлар бүғиб ташлади. Энг содиқ романтиклар Шарққа суюниб қолдилар. «Кучли ориентал оқим тирик эди», дейди Гегель. «Бу табиий дунё шахсни қутқаради», дейди Руссо. Романтика яна оёққа туриб, авжга минганды эса, унга шартли қолипларга солинган шафқатсиз классицизм ва рационализм дөгмалари халақит берди. Кузатишиларимизга қараганда, Ғарб романтикасини бу балолардан ҳам үша «табиий дунё», үша «ориентал оқим», яъни Шарқнинг беназир гүзәл, әркин, романтик шеърияты сақлаб қолди...

Бу — мавзунинг биргина жиҳатига шаъма, холос. Миқёсли мұлоҳазаларга турткы керак...

* Боласини йўқотган она юраги ёрилиб ўлиши мумкин. Номуси, иззат-нафси топталган қизнинг бошидан керосин қўйшиб, ўзига ўт кўйганини кўп эшитганмиз. Таҳқирланган, тухматга учраган одам аламдан ўзини осиб ўлдиради... Энди айтинг, тан яраси ёмонми ё дилдардими?

* Кузатишими, одамлар гапираётган гапнинг, тахминан, етмиш-саксон фоизи ортиқча экан. Кимдандир эшитган эдим: бир товушни талаффуз қилиш учун фалонча энергия сарф бўлади, деб. Ундаи бўлса, ҳарф ва рақамлар бу жиҳатдан ҳам жуда катта иқтисодий-молиявий кашфиёт экан. Бўлмаса, масалан, «учта уй» дейиш ўрнига фикрни тушунтириш учун ўша учта уйни, кўчириб-кўтариб келтириш керак бўларди... Свифтнинг бир сатираси эсимга тушади. Лапут бойлари энергияни тежаш учун, айтиш керак бўлган нарсаларни ўзлари билан олиб юришармиш. Ҳангомалашгани боргандаги хизматкорлари ҳамма лаш-лушларини елкалаб келишар экан...

Албатта, бу — сатира. Аммо мен шу ўринда ҳам санъатни ўйлайман, Биз мазмун ва шакл ҳақида кўп гапирамиз. Аслида, бунинг биринчиси — мантиқий тафаккур, иккинчиси — ҳиссий тафаккур. Иккинчиси (нарсалар ва ҳаракатлар) биринчисидан олдин юради. Иккаласининг бирлиги бадиий образ бўлади.

Японларда матнисиз, «безабон» кинофильмлар кўп бўлади, кузатганмисиз?

...Бу менинг касал бўлиб, тилдан қолганимдан кейинги (сизга худо кўрсатмасин!) уйқусизлигимда миямга келган пала-партиш фикрлар. Қечирасиз,

* Биз ниманки ёзсан, кимдандир иқтибос оламиз. Фалон донишманд бундай деган, фалон классик ундаи деган... Улуғларининг «афоризм»ларини бутун-бутун китоблар ҳолида нашр этамиз. Ваҳоланки, уларининг кўпли аллақачон ҳеч қанақа «суянчиқ»قا муҳтоҷ бўлмаган, ҳаммага маълум оддий ҳақиқатлар. Бу дидактик консерватизм оригинал тафаккур ривожига халақит бермайдими? Мен улуғларга қарши эмасман, аммо ўз фикрлаш салоҳиятимизни ҳам ишга солишимиз керакда! Улуғлар айтган деб, оддий ҳақиқатларни мақола ва китобларимиз, шиорларимизда такрорлайверамизми?

«Соф ҳаво ҳаммамизга керак!» деб ҳеч ким алвонларта катта қилиб ёзиб қўймайди-ку?!

* Тасаввур ҳам бир инстинкт. Лекин бу — олий савқи табиий. У идрокдан ташқарида ногоҳ пайдо бўлиб, ниманидир қамрашга интилади-ю, нима экани, номи ҳали онгда йўқ. У ҳали хира бир ички сезим. Аммо мавжудлиги аниқ, уни фақат кўчма маъниода, образли ё рамзий тарзда белгилаш мумкин.

Ҳайвоний инстинкт хавф-хатарни олдиндан пайқатандай, ижодий тасаввур ҳам узоқдаги фикрни гўё бир ўзгарувчан булут парчаси каби кўнгил кўзгусида кўриб, гоҳ чақмоқ сингари ўтли чизиқлар, гоҳ қандайдир этюдлар, қиёфалар, композициялар, тақдирлар тарзида шакллантира бошлайди. Бироқ, идрок тасаввурни тўла қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Олий инстинкт сезими кўпинча ҳалиги ўзгарувчан булут парчасидай тарқаб ҳам кетади.

Тубан инстинкт такрорланиб пайдо бўлади. Олий инстинкт эса балқиб-нурланиб юзага чиқади. Иккаласи ҳам кучли, жасоратли бўлиши мумкин. Аммо, иккинчисигина баъзан катта ғоя, дохиёна ҳақиқатга эврилади.

* Тасаввуф ҳақида гапирилганда, у кўпинча пантеизмга, неоплатонизмга қиёс қилинади. Үндай бўлса, нима учун бу оқимларга амал қилган Данте, Петrarка асрлардан бери улуғланди-ю, тасаввуфга бунча қора чапланди? Француз маърифатчилиги бутун оқим сифатида кўкларга кўтарилди-ю, нима учун бизнинг жадидларга «буржўй мафкурачилари» деган (гўё «йўқсил маърифатчилар» ҳам бўладигандай!) қора тамға босилди?

Менимча, бу ва бу сингари камситишлар бизларга мустамлака деб қарашнинг аломатлари эди.

* Танқидчи ва адабиётшунослар асосан асар ҳақида гапирадилар. Ёзувчи ҳақида эса...

Ваҳоланки, асар ёзувчидан униб чиқади; фарзандидай унда туғилади, улғаяди, камол топади; у фарзандини авайлайди; ҳимоя қиласи. Асар — ёзувчининг тақдирин; керак бўлганда ёзувчи қурбон бўлишга ҳам тайёр. Унинг бу ғайритабиий садоқати, ёзмасдан туролмаслиги, руҳиятга, фалсафага, мушоҳадага мойиллиги,

шахси, феъли, услуби, қарашилари, дарди, қийналишлари ҳеч кимни қизиқтирилмайди. Ёзувчи ўз шахси ва ўзгаларнинг шахси билан бирикиб кетган — асар унинг субъекти. У бошқа ишда ҳам ишлаши мумкин (ёзувчи ҳеч қачон бадавлат бўлмаган), аммо унинг моҳияти, эҳтироси — ижод. Қобилияти қанча катта бўлса, шунча катта куч сарф қиласи. У — беихтиёр фидойи; ҳам баҳтиёр, ҳам баҳтесиз — бу унинг иродасига боғлиқ эмас.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин, аммо танқидчилар...

* Амир Темур Ҳофиз Шерозий билан учрашганда шоирнинг машҳур мисраларини эсга олиб: «Ҳали сен миссан жононанинг битта холига Самарқанду Бухорони бағишлиб юборган?!» — деб дарғазаб бўлганимиш, деган гаплар юради. Бу — ақлга сиғмайдиган уйдирма.

Аслида, бу аввалига дўстона ҳазил-мутойибдан бошланган жиҳдий сұхбат бўлган. Бу ўша шоирнинг дастлабки жавобидан ҳам куриниб турибди: «Саховат, тақсир, азбаройи сахийлигимиздан шундай юпун бўлиб ўтирибмиз-да!...»

Шоир оддий хаттотлик билан кун кўради.

Ҳофизнинг Амир Темур билан учрашуви бежиз эмасди. Машҳур шерозлик унча-мунича ҳукмдор билан учрашавермаган. Ҳатто Бағдод султони Аҳмад Жалойир, Бенгал султони Фиёсиддин, султон Маҳмуд Баҳманий ва бошқа ҳукмдорларнинг таклифларини рад этган. У буюк лирик шоир бўлиш билан бирга, бевосита ижтиёмий мавзулардаги фожейи, аламли асарлари билан ҳам машҳур бўлган; Хурмуз кўрфазида ҳинд кемасининг ҳалокати тўғрисидаги, икки ўғлининг бевақт ўлими ҳақидаги, ҳукмдорлар томонидан ноҳақ баларға қилинган бир дўстини ёқлаб ёзган жасоратли ғазаллари шулавар жумласидандир. Табиийки, шуҳратли шоирнинг бу жиҳати ҳам Соҳибқиронни қизиқтирган. Шунинг учун профессор А. Арберри «Мумтоз форс адабиёти» китобида бундай дейди: «Бу икки буюк шахснинг учрашуви адабиётдагина эмас, тарихда ҳам жуда муҳим воқеа эди».

ТҮНГИ ҚАПАЛАКЛАР

Инсон қанчалик узоқ яшаса, яна шунча кўпроқ яшагиси келади. Негаки, у ҳаётнинг аччиқ синовларидан ўтганига қарамай, машаққатлар ўтида тоблангани

учунми, олдинда кутаётган күргиликларин писанд ҳам қылмайди. Шунинг учун ҳам инсон кексалик фаслига сабот, матонат ва заковатининг жонли тимсоли үлароқ киради.

Аммо бу дунёниг бевафолиги шундаки, у инсоннинг ақл ва заковат пиллапоясининг баланд пояларига қадам қўйганида, унинг оғигига болта уради.

Бундан бир неча ой илгари Асқад Мухторнинг дунёдан кўз юмганилги ҳақидаги совуқ хабар тарқалганида, аксар мухлислари ва шогирдларининг кўнглидан ана шу хаёл ўтди. Агар дунё унга ишебатан бевафолик қилмаганида, ақалли сўнгги йилларидаги унга ёзиш имконини тұздырганида, у — шўро даври адабиётининг қонун-қондалари, кишин ҳалқаларидек, сочилиб кетганини кўрган мутафаккир адаб қандай үлмас асарларни ижод қилган бўларди...

Аммо афсус ва надомат чекишдан фойда борлигини ҳали ҳеч ким кўрмаган.

Асқад Мухтор ижодий ҳаёти мобайнида назм ва насрда талайгина асарларни яратди. Бу асарларнинг бир қисми, ҳамма ёзувчиларимизда бўлганидек, ошни ошаб, ёшини яшади. Аммо қолган аксар қисми адабиётимиз ҳазинасида, албатта, қолади. Бу асарларнинг униси ҳам, буниси ҳам Асқад Мухтор қаламидан, ижодхонасидан чиққан. Адаб унисини ижод қилганида ҳам, бунисига ҳаёт бағишилаганида ҳам тўғаноқ азобларини бошидан кечирган. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар иккиси унга азиз бўлган.

Унинг «Йилларим» деб номланган шеъридаги фақат бир сўзни ўзгартирган ҳолда қўйидаги сатрларни эслаш айни миддао кўринади, менга:

Бирингиз — боқийсиз, бирингиз — балки пуч,
Бирингиз — шодликсиз, бирингиз — ўқинч,
Бирингиз — бахтисиз, бирингиз — бактисиз,
Бирингиз — ярадор, ўлгансиз вақтсиз,
О, орқада қолган менинг асарларим.
Сизга насиб қилган қувонч—юрагимда,
Қалбда дардингизни олиб юраман.
Сиз мени аямай ўтда тобладингиз,
Шундан, замин узра ғолиб юраман.
Сиз менинг тирмашиб чиққан зинамсиз,
Хар бирингиз фишти, мени иморатман.
Сиз менинг дахлсиз, ёлғиз хазинамсиз,

— Сиздан иборатман,
О, менинг орқада қолган асарларим.

Нақадар ҳақ сўзлар... Чипдан ҳам, ёзувчи фақат ёзган асарларидаи қад кўтарган иморатга ўхшайди. Унинг бу асарлардан четда кечган хати адабиёт учун ҳам, авлодлар учун ҳам мароқсиз. Шунинг учун ҳам чинакам ёзувчи учун яшаш ижод этишдир.

Асқад Мухтор ҳаёт маъносини ижод этиш, деб тушунган, миллий адабиётимиз равнақи учун яшаган ва шу адабиётни бир неча погона юксакликка кўтарган ёзувчи эди.

Афсуски, XX асрда яшаш бахти ва азобига молик бўлган бошқа ёзувчиларимиз қатори, Асқад Мухтор қадди ҳам шу даврнинг залворли юқидан дол бўлди. У Чўлпон сингари отилмади. Усмон Носир сингари шўро дўзахида қоврилмади. Лекин Ойбек сингари тилдан қолди, қули ишдан чиқди.

У сўнгги йилларда ёз ойларини Дўрмонда ўтказар эди. Эрта ёздан Дўрмондаги дала ҳовлисига чиқиб олиб, хаста бўлганига қарамай, Роза опанинг сўзларига парво қилмасдан, гуллар ва дарахтлар орасидаги ўт-улани урадди; дов-дараҳтларнинг осилиб қолган шоҳларини кесарди, эгри ҳассасига тирагиб, яна қандайдир юмушларга чоғланиб туради. Бу уринишлар хаста юракка малоллик қилиб, Роза опа шаҳардан шифокорларни чақиришга мажбур бўлар, аммо эрта ё инднинг, Асқад акани йўқлаб борганимизда, у яна қарийб ўшандай ҳаракатларга шайланадиган бўларди. Эҳтимол бу унинг нафақат тиришқоқ, меҳнат қучар, бўш туришни ёқтирумаган табиатининг жилваси, балки ҳаёт учун кураш майдонида таслим бўлиб бораётган тананинг сўнгги оддий талпинишилариdir.

Асқад Мухтор қийналиб сўзлайдиган, қийналиб юрадиган бўлиб қолган эди, ўшанда. Ёзиши эса ундан ҳам маҳол эди. Лекин шунга қарамай, унинг фикри толишини-ҳоришни билмас, у олис, уйқусиз кечаларда нафақат ўз болалигини, балки туркий халқларнинг XX аср бошларидаи «болалик кезлари»ни ҳам эслаб, кенг ва уфқисиз хаёлот оламида сузарди.

Бўгун кимдир ўша пайтларда Асқад Мухтор ҳолидан мунтазам радио шабакасида хабар олиб турганини айтиши мумкин. Йўқ, унинг уйи ҳеч қачон гавжум бўлган эмас. Оқибатли дўстлари кам бўлганидек, оқибатли шогирд-

лари ҳам қарийб бўлмаган. Ҳатто дўрмондоши Саид Аҳмад ака ҳам «Хаста Асқадни кўрсам, эзилиб кетаман», деб унинг эшигини кам чертган. Асқад Мухторнинг бутун ҳаётни давомида бирдан-бир дўсти китоблар бўлган. Умрининг сўнгги йилларида эса туркий халқларнинг туташ нуқталарида ижод қўлга олимлар ва ёзувчиларнинг, шу жумладан, Маржонийнинг асарларини ўқиган. Қизиқиш доираси ҳадсиз бўлган бу инсон ўзи ўқиган, телевизор оғзидан эшитган гапларни бир-бирига улаб, турли соҳаларга, тарихнинг турли қатламларига оид фикрлар галактикасида яшаган. Ана шу фикр иши, хаёлининг тинимсиз ҳаракати айниқса туннинг сукунат оғушидаги соатларида тезлашиб борган.

Асқад Мухтор сўнгги шеърларининг бирида ўзи яшаётган фаслнинг моҳиятини тўла ҳис этиб, бундай ёзган эди:

Энди орзуладан хотиралар кўп,
Энди ўтмишгина мен учун ҳадсиз.
Мен учун тобора оғирдир сукут,
Саволлар тобора шафқатсиз,
Ҳа, ошни ошадик, ёшни яшадик,
Қошгача қаҳратон қирояни инди.
Бир қараашда: беш кунингни ўйла,
Эртанинг қайғуси қолдими энди...
Аммо, о, келажак, таҳликаларинг
Акс этар юракнинг «қилиқ»ларида.
Чақмоқдай чақилар кардиограмманинг
Дардан чил-чил синган чизиқларида.

Юрак «қилиқ»лари кардиограмма ленталарида қанчалик сакрама чизиқлар қолдираётганига қарамай, Асқад Мухтор узун, уйқусиз тунларда мижжа қоқмасдан, ўз фикрининг бепоён кенгликда парвоз қилишини кузатди. Роза опа берган уйқу дорисига кўниккан тана ўз эгасининг тун чоғида ором олишига имкон бермай, аксинча, фикри, рухи, туйғуларининг яна ҳам кўпроқ ишлаши учун шароит туғдирди. Ана шу, аслида, машаққатли ҳолнинг самараси сифатида унинг «тундалик»лари туғилди.

Кунларнинг бирида Асқад Мухторни кўргани унинг шаҳардаги уйига кирганимда, у қийнала-қийнала ҳолахвол сўрагандан, ёш адабий авлод вакилларининг ижодий ишлари билан қизиқсинганидан кейин, кутил-

маганда, «Нанимжон, кечаси ишламанг. Тунги ижодий нин организмни ишдан чиқаарар экан», деди. У бу сўзларни шундай айтдики, худди «Агар мен кечалари ишламаганимда, ҳозир бундай ночор ҳолатда ўтирган бўлардим», дегандек эшишилди, менга.

Аммо унинг «тундалик»лари шу дийдорлашувдан кейин туғилди. Яъни у тунги ишдан қанчалик қочишни истаганига қарамай, бедорлик унинг фикрини ишлашга мажбур этди. Тунги фикр капалаклари унинг боши узра чаппар уриб турди, чарх уриб турди.

«Тундалик»лар «Тафаккур» журнали саҳифаларида эълон қилинини билан адабиётимизда Асқад Мухторнинг бошқа бирорта асарига ўхшамаган, ҳатто минг йиллик адабиётимиз шу пайтгача кўрмаган янги бир «жанр»нинг, янги бир адабий дурдонанинг пайдо бўлгани маълум бўлди. Улар ҳатто хасталик ҳам Асқад Мухтордек забардаст ижодкорнинг фикрини эговлай олмаслигини, аксинча, фикр — Асқад Мухтор сингари мутафаккир сиймолар фикри—ғайритабиний ҳолатларда янада баланд парвоз этиши мумкинилигини намойиш этди. Асқад Мухтор ўлим билан юзма-юз келганда, ўз ақл-заковатининг емирувчи куч устидан ғолиб чиқишига эришиди.

Асқад Мухтор бисотида бир ғалати шеър бор. Агар ушбу сатрлар чўзилмаган бўлса, ундан бир-икки бандни келтирсам, дегандим. Мана, ўша сатрлар:

Бир вақт дўстлар билан ҳасратлашардим...
Ёлғиз ўтказман ғамгин чоғларни.
Сукунатни чўчитмасин дардим,
Айланиб ўтаман сокин боғларни.
Шабнам япроқларнинг ювиби гардин,
Хаёлга чулғабди гулзорни насим.
Жонлар оромини бузмасин дардим,
Тунни уйғотмасин.

Тун чоғлари Асқад Мухтор хаёлига учиб кирган капалаклар қанотида унинг шахсий дардлари эмас, балки уни ҳаяжонлантирган, безовта қилган дардлар, фикрлар, мушоҳадалар бор. Улар тунини уйғотиши, жонлар оромини бузиши, гардларни ювиши лозим.

Наим Каримов

Адабий-бадший нашр

АСҚАД МУХТОР

ҮЙҚУ ҚОЧГАНДА

(Түндаликлар)

Тошкент «Маънавият» 1997

Мұхаррір Мұртазо Қаршибай

Рассом С. Соин


Мусақхұқ Д. Жуманиәзова

Техн. мұхаррір Т. Золотилова

Теришга берилди 12.08.97. Босишга рухсат этилди 29.08.97. Бичими
84×108^{1/32}. Литературнағарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шарт-
ли б. т. 15%, Шартли кр.-отт. 1,89. Нашр т. 1,42. 10000 нұсха. Ыуортма №146.
Нархи шартнома асосыда.

«Маънавият» нашриети. Тошкент, Шодлик күчаси, б. Шартнома 4—97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуог қўмитасининг Тошкент китоб-
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов
күчаси, 1-й. 1997.



"МАЊАВИЈАТ"